

Гиламчилик санъати тарихини ўрганиш.
Ф.Х.Муқимова. ТермДУ ўқитувчиси.

Республикамиз мустақиликка эришгандан сўнг миллий қадриятларимизга бўлган эътибор янада ортиди. Хунармандчилик элементларидан каштачилик, зардўзлик, дўппидўзлик ишларидан ташқари гиламчилик ишлари ҳам халқимизнинг қадимги анъаналаридан ҳисобланади.

XX – асрнинг бошларида Самарқанд вилояти ҳудудларида 50 га яқин ўзбек қабилалари яшашган. Бир қabila аҳолиси бирлашиб, иккинчи қabila эса тарқоқ ҳаёт кечиришган, улар бир-бирлари билан доимо кўришиб туришган.

Гребенкиннинг маълумотларига қараганда, XIX – асрнинг охирида гилам тўқиш санъати қуйидаги ўзбек қабилалари: наймон, минг, қутчи, бағрин, хитой, қипчоқ, митан, турк.

Ўзбек қабилаларига яна қорақалпоқлар ҳам кирган. Улар пахмоқ гиламлар (пат гилам) ва бошқа гилам буюмлари тўқилган. Ўзбек гилам маҳсулотларини тўлиқ таърифламай туриб, А.Д.Гребенкин митан гилам тўқувчиларининг ишларини қуйидагиларини ажратади: гиламлар, олача, гилам, кигиз, наMAT, хуржунлар ва бошқалар.

У Самарқанд атрофи ва эскиХўжант чегараларида яшаган ярим кўчманчи ўзбек қабилалари турк ва юз аҳолисининг гилам тўқувчилари ҳақида маълумот берган. А.А.Семёнов А.Д.Гребенкиннинг маълумотларини тасдиқлаган ва кенгайтирган.

Самарқанд вилоятининг турк гилам усталари энг оддий техника билан рангли паласлар наMATлар ва жуда оғир иш талаб қиладиган гаджари паласларини тўқишган, деб ёзади. М.Ф.Гаврилов. у бошқа ишида парчаюз ўзбек қабиласи ҳақида тўлиқ маълумот берган, у маълумот жуда қизиқarli ўзилган. Лекин Гребенкин ўзининг маълумотларида юз гилам тўқувчилари ҳақида эслатган. Бир неча муаллифларнинг маълумотларига кўра ўзбек гилам тўқувчи гуруҳларидан энг қадимги қabila вакиллари алоҳида қизиқиш уйғотган. (Турк ва туёқли) шунингдек, ўрта осий ҳудудларида янги жойлашган бошқа туман аҳолилари: митан Европанинг жанубий шарқиш чўлларини ўзларининг қадимий ватанлари ҳисоблаганлари, бағрим Фарғона водийсининг шарқий туманларидан чиқган; қутчи Қошғарадан кўчиб келган. Турли насабдаги қабилаларп гилам тўқиш билан шуғулланганлар.

Барча тадқиқотчилар такидлашича турли қabila гуруҳларининг ўзаро никохи ўзига хос маданият ва удумни англаган. Ўзаро никоҳларда бир қabila бошқа қабиллага ўзига хос таризда тўқилган. Турли гилам ишларини тақдим этишган. Бу гиламларда қабилаларнинг ўзига хос нақшлари ишлатилади, бу эса оиланинг бир бирига вафодор бўлишини бирдириб, кейинчалик хўжалик зарурияти учун ишлатилади.

Аста секин кириб келаётган дехқончилик ва зироатчилик ишлари гиламчиликнинг сезилarli даражада камайишига олиб келди. Статистик ва архив маълумотларига қараганда, XIX – асрнинг охири ва XIX – асрнинг 70-йилларида Самарқанд туманининг ўзбек гилам тўқувчи қабилалари бор йўғи 25 %ни ташкил қиларди. Йил давомида бир неча қишлоқнинг гилам ишлари 10 чоғлик гилам ва паласларни ташкил этарди: бозорда эса бу гилам ишларининг аксариятини кўриш мумкин эди.

Гилам ишлаб чиқаришнинг қисқариш процесси XX – асрнинг бошларигача давом этди.

Текширилаётган овулларда пат – гилам маҳсулотларининг фақатгина қадимги намуналари мавжуд эди. Экспедиция азолари бу пат-гиламларнинг тўқилишини ва унда

қўлланилган нақшларнинг намуналарни биладиган гилам тўқувчи учратишмади. Шунингдек бу пат гиламларда қўлланиладиган асбоб ускуналар ҳам сақланиб қолмаган. Анча оғир техника билан ишланадиган паласлар ишлаб чиқармай қўйганди, аммо бу палос техникаси кўпгина аёлларга хали таниш эди. Кўпчилик аёллар палос махсулотлари нақшларининг фақатгина техник намланишини билишарди. Булар “Еттита ипли”, “Тўртта ипли” махсус номлари эса деярли унитилиб кетганди. Бироқ ҳамма гилам палос ишлари ерлик аҳолининг ишлари эди. Уларни катта авлод аёллари тўқишган. 20 йилларда фақатгина оддий йўл-йўл палос ва кожималар тайёрланган. Овулларда аёллар гилам ишларини сотиш учун эмас, балки ўзларининг хўжаликда ишлатиш учун тўқишган. Лекин Зомин ва Жиззах аҳолисининг гилам тўқувчилари сотиш учун ҳам гилам палос махсулотларини тайёрлашган. (Зомин, Равот, Кўрпасат, Қайли, Ёйишла)

Самарқанд туманининг ўзбек гурухлари турли гилам ишлари патли ва патсиз (палос) гиламлар тўқишган.

Патли пахмоқ махсулотлар техник маълумотига ва бадий қиёфасига қараб икки гурухга бўлинади: узун патли ва калта патли гиламлар.

Узун патли гиламлар- тўшаладиган гиламлар бўлиб, улар катта ўлчамда бўлган: жулхирс, жулварак.

Калта патли гиламлар эса етарлича хилма – хил бўлган. Уларга тўшаладиган майда гиламлар , палослар ва бошқа майда хўжалик буюмлари кирган.

Калта патли гилам ишларининг бажарилиш техникаси ўзбек аҳолиси ўртасида патли гиламга қараганда кенг тарқалган.

Тўшалувчи гиламлар хар доим катта ўлчамда тўқилган, узунлиги 2,0 – 2,5 м, энига 1,2 – 1,4 м. Уларни асосан хўжалик эҳтиёжи учун тўқишган. Аввалига бу гилам ишларига фақатгина шаҳар аҳолиси этибор берган, кейинчалик ўрта осийнинг бошқа вилоятлари ва қўшни мамлакатлардан ҳам Самарқанд гилам бозорига қизиқиш кучайган.

Махсус гиламлар тайёрланган – ибодат қилинадиган, эшиклар ички тарафига илинадиган, эшик тепасига илинадиган. Ката хоналарнинг этагигача тўшаладиган, ўриндиклар учун, ховли ёки боғ учун ишланган материаллар палослар, шолчалар ва кохмалар ва турли техникалар билан бажарилган.

Ўзбек қабилалари орасида майда гилам махсулотлари сезиларли даражада турли ишлаб чиқарилган. Жихозлар ва асбоб ускуналарни бириктирилиб туриш учун юрт қабиласи турли хил гиламли тасмалар, гилам паёндозлар – курт, баскурт ва бошқа махсулотлар тўқилган. (расм - 20). Уларни нафақат қишлоқ аҳолиси балки шаҳарликлар, асосан руслар турли юмшоқ мебелларнинг жихозлари, ёстикчалари, бошқа тур мебалларга ишлатиш учун ҳам сотиб олишган. XX – асрнинг бошларига келиб уларни ишлаб чиқариш кескин камайди. Гилам паяндозларининг қадимий андозалари ҳозиргача сақланиб қолмаган, улар юқори бадий сифати билан ажралиб турган, аҳоли эса улардан ўлчами катта бўлмаган тўшаладиган гиламлар ва нарсалар учун қоплар, сумкалар тайёрлашган. Афсуски бу қизиқарли гилам ишлари жуда суст ўрганилган.

Аҳолининг турмуши учун ишлатиладиган катта буюм қоплари – напрамач ҳам кирган. (расм - 21). Напрамачни тайёрлаш учун, худди бошқа сумка ва қопларда ишлатилгандек, фақатгина юза томонларигагина гилам махсулотлари ишлатилган, иккинчи тарафига оддий, безаксиз, жун материаллардан қўйилган. Напрамачнинг юза томони - бу

Бўйига 0,9 – 1,2 м, энига 0,35 – 0,40 м.

Бу эса 20 – 30 йилларда Ўзбекистон музейларида нармакларининг катта колекциясининг йиғишга ёрдам берди. Қадимий майда ишлар ичидан алоҳида ажралиб турадиган бой безатилган, отлар учун гилам ёпинчиқлар оддий палос техникаси орқали бажарилган.

Қадимий хуржунларнинг катта қисми палос техникаси орқали бажарилган. (расм 22). Пахмоқлар эса ёрдамчи воситалар сифатида нақшларни тикиш учун ишлатилган. XX – асрнинг бошларида хуржунлар учун пахмоқлар тўлиқ ишлатила бошлади.

Тўрва ва хуржунлар хўжалик камчиликлари учун ишлаб чиқарилган, жудаям кам холларда бозорга чиқган. Республика музейларида улар жуда оддий нармачилар кўринишида тақдим этилган.